

КОГНИТИВ ВА ПРАГМАТИК ТИЛШУНОСЛИК ВА УНИНГ ГРАММАТИКАДА ТАЛҚИНИ

Ғ. Мирсанов ¹

Аннотация:

Мақола когнитив ва прагматик тилшунослик орқали тилнинг грамматикасини талқин қилишга бағишланган бўлиб, сўз семантикасини ўрганишдаги лексикоцентрик ва текстоцентрик йўналишларни муҳокама қилади.

Калит сўзлар: когнитив тилшунослик, прагматик тилшунослик, Фрейм назарияси, концепт ва фреймлар, лексикоцентрик йўналиш, текстоцентрик йўналиш

doi: <https://doi.org/10.2024/qwfcs369>

Тилшуносликда сўз семантикасини ўрганишдаги лексикоцентрик ва текстоцентрик йўналишлар (Падучева Е. В., 1996; 10) мавжуд. Тилнинг амалий фаолиятидаги ролини билиш ушбу иккала йўналиш ҳамкорликда олиб борилишини эътиборга олган ҳолда тафаккур ва тилнинг муносабатига оддий бир ҳол (ҳодиса) сифатида қарамаслик лозим. Бу муносабат икки мустақил ходисанинг ўзаро «мулоқот»идир. Худди шу «мулоқот» ментал фаолиятнинг лисонийлашувига олиб келади, зеро, лисоний ва мантиқий фаолиятлар бир-бирига ҳамроҳ бўлиб, улар ягона нутқий тафаккур жараёнини ташкил этади. Демак, тил онгни ҳаракатлантирувчи воситалардан биридир, у онгда энг оддий, бирламчи (элементар) тафаккур категориялари пайдо бўлишини таъминлайди. Ушбу категорияларсиз «алоҳида нутқий тузилмалар - гапларни тушуниш ва фикр (ғоя)нинг шаклланишини ҳамда шу йўсинда билимнинг фаоллашувини ҳам тасаввур қилиб бўлмайди» (Кацнельсон 2001: 480).

Лексик маънони тасвирлашда фрейм теоремасини қўл келиши кўзга ташланади. Лексик фреймнинг таркиби ва тизими муҳим саналади. Бу теоремада “ концепт ва фрейм” тушунчалари ёритилиб уларнинг лексик маъноларга боғлиқлиги изоҳланади. Бундан ташқари фреймлар сўзнинг белги (ҳарф) тизимида ишлатилишининг мақсадга мувофиқлиги қараб чиқилади. Когнитивлик фани катта лингвистик тадқиқотларда муҳим ўрин эгаллади. Кубрякованинг такидлашича ҳар қандай тил ҳодисаси фақатгина когниция ва коммуникация таҳлилларидан сўнггина тўлиқ изоҳланган ҳисобланади (Кубрякова). Нутқ фаолияти феъллари мазмунини изоҳлашда когнитив лингвистика теоретик-метадологик кўрсатмаларидан фойдаланиш қулай бўлади. Бу муаммони тушунтиришда “концепт” ва “фрем” тушунчаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Совискийнинг кўрсатиш ситуацион – семантика нутқ фаолияти феъллари мазмунини изоҳлашса феълларни полипредикатив сифатида тасвирлашнинг имконини

¹ Мирсанов Ғ.Қ., ф.ф.д., СамДЧТИ

беради. Кўпгина лингвистлар қаторида “консепт” остида биз инсон фаолиятининг фикри, хотира, тажриба ётади. “Ҳаракат” концепти нутқ фаолияти феъллари семантик тасвирлашда муҳим ўрин эгаллайди. Шу феъллар ёрдамида ифодаланган ҳаракат-нутқ муомиласи актидир.

“Фрейм” тушунчаси лингвистлар томонидан икки хил тушунилади. Биринчидан бу шу сўзларни ишлатадиган матн бўлиб, бунда ситуатив-ситирётивлар тушинилади. Бунда тушинилаётган, қабул қилинаётган дискурс илмий тадқиқот объекти сифатида қабул қилинади:

Иккинчидан дискурс деб шу ҳам, омма тасавуридаги ситирётив ҳолатлар илмий модели тушунилади. Бу модел олимлар томонидан ишлаб чиқилган метатилдаги текст тузилишда бўлади. Шунингдек, турдаги дискурс биринчи типдаги фремлининг моднлидир яъни модулдаги модул мета модулидир. Шундай қилиб фремлилар тадқиқот материалидир, бу нарсалар олимлар томонидан анализ объекти сифатида яратилган. Илмий модул эса когнитив (оммовий) моделни билдиради. Зарур бўлганда икки моделни изохлашда ҳам бир термин ишлатилади. Фреми маълум бир ситуацияни тасвирлаш сихиматик тасвирлаш бир ҳолати бўлиб. Бу тасвирлаш унинг модули сифатида қаралади. Модул бўлса семантик мета тилида текстни ташкил этади. Шундай қилиб фреми текстга хос бўлган пригматика, синтактика хусусиятларига эга

Дискурс модули деб элементар позиция йиғиндисини тасвирлайди деб такидлайди. Бу йиғинди бир бири билан логик муносабатга эга. Фреймнинг якуний кўринишида таҳлил қилинган ҳодиса ҳақида тўлиқ маълумотлар ҳосил бўлади. Бунда мазмун маълум бир маълумотниўз ичига олган, бирор бир ҳолатни тасвирлага, боқийликни акс эттирган модулдир. Бу-билишнинг ўлчови бўлиб маълум бир тушунча атрофида эриархик тузилмани ташкил этади (Плунгян А. В., 2004; 390-411). Бунда бир бири билан боғлиқ бўлган керакли, муҳим типик тушунча ҳақида маълумот берилади. Лексик бирликларнинг тузилиши, хусусиятлари жуда яхши ўрганилган. Бу бирликларнинг ичида ётадиган фрейм маълум бир тизимни яратади. Уларнинг ички тузилишидаги муносабатларни, унинг эриархиясини, текстгача бўлган элементларини изохлашдан иборат.

“Informing” дискурси терминалларида ҳам дискурс ҳодисалар жойлашган бўлиб, улар ёлгон информацияни етказиш феълларини ҳам тасвирлайди. “informing” дифференциаль субфреймнинг ажратувчи белгиси бўлиб, хабарнинг мазмуни ва хабар қисмининг ўзи қабул қилинади. “Балким” (predict, foretell), субфрейм “Lyinc”(ёлгон) (deceive misreport). Хабарни рад қилиш “ҳақиқат эмас”.

“Informing” субфрейм яъни “slandering” (шарх, изох, танбех бериш) феълли субфрейми ҳам киради. Бунақанги феъллар кимнингдир хоҳишига қарши, кимгадир зарар етказиш учун ишлатилиши мумкин бўлган ёлгон, ёмон таъсирли феълларни ҳам ўз ичига олади.

“Slandering”(изох, танбех) ва “lyinc” (ёлгон) субфреймлари. Нутқ фаолияти феъллари фреймлари майдонида суҳбатдошнинг эмоционал ҳолатига ёмон таъсир қилувчи феъллар майдони билан кесилади.

“Asking” дискурс майдони асосида муҳим ўрин эгаллайди. (ask enquire demand) Бу фреймнинг марказга яқинлиги бу феълларнинг (сўров, сўроқ феъл) суҳбат жараёнида кўп ишлатилишидадир “Asking....” феъллари майдонида бир нечта сегмент ажратиш кўрсатиш мумкин.

А) asking about сўров

В) asking for-сўров-ундов

Булардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки asking about фреймлари нутқ фаолияти феъллари майдонида ундовни ифода этувчи феъллар майдони билан ҳам кесишади. Шундай қилиб “Сўров” жараёнини қуйидаги “сўров” фреймида кўриш мумкин.

Сўров фрейми билан бир майдонда жавоб феъллари ҳам ишлатилади. (answer, reply, respond, retort). Фрейм “answering” (жавоб) фақат “asking about” (сўров) фрейми билан биргаликда ишлатилади. Улар биргаликда “conversation” (сухбат) фреймини ташкил этади, ифода этувчи жараёндир.

Бу феъллар ўзининг кучи, таъсир характери ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу феълларни умумлаштирадиган нарса уларнинг интеграл семасидир. (Мақсадли ҳаракат) нутқ фаолияти феъллари иккинчи актанти (пациент) семантик ролини бажаради. У когнитив таъсир объекти бўлиб ундаги ўзгаришни воқеалар уларнинг ички дунёсини изоҳлайди. Таъсир объекти сифатида нафақат индивидун балки гуруҳ бутун бир аудитория бўлиши мумкин. Фикр, нуқта назарда таъсир зонаси ўз ичига микрозоаларни олади. Бу микрозоалар “Тушунтириш” ва “Исбот қилиш” феъллари бўлиб, буларда мақсад “Explain” ва “Prove” ҳисобланади. Фикр ва ҳаракатга ундов, ўз микрозоаларига “қўндирмоқ” маркази “persuade” маркази “advise” бўлган “Маслаҳат маркази” “order” бўлган “рад этиш” феъллини ҳам олади. Рекомендация феълларида когнитив ҳаракат императив характерга эга эмас. Буларда таъсир ва хабар мужассамлаштирилган ва бу ҳолда “адресат” ролида келтирилади.

Тилнинг грамматик системасида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган аспектual белгиларни билдирадиган предикатларнинг қўлланилишини фреймлар асосида таҳлил қилиш орқали шу тилга хос бўлган грамматик тузулишидаги ҳодиса, вазиятларга аниқлик киритиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- [1]. Кацнельсон С.Д. Категории языка и мышления: Из науч. наследия. - Москва: Яз. славян. культуры, 2001. – 851 с.
- [2]. Кубрякова Е. С. Типы языковых значений. – Москва, 1977 – 280 с.
- [3]. Падучева Е. В. Семантические исследования: Семантика времени и вида в русском языке. Семантика нарратива. М.: Языки славянской культуры, 1996. – 464 с.
- [4]. Плуныян В.А. К дискурсивному описанию аспектуальных показателей. // Типологические обоснования в грамматике. К 70-летию профессора В.С.Храковского. М.: 2004, -Р390-411.